Ушбу сонда: 2 «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНЛАРИ ОРҚАЛИ 3 TV — ДАСТУРИ 4 КАСАБА УЮШМА СПОРТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 3 январ, жума № 2 (1427)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «МАҲОРАТ МАКТАБИ» ИЗЛАНИШДА

Нодира номидаги Наманган вилояти илмий-оммабоп кутубхонаси қошида ёшларга касб ўргатиш ниятида ташкил этилган "Маҳорат мактаби" ташаббускор гуруҳи ўз фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Бугунги кунда бу ерда Асадбек Аҳмадалиев бошчилигида 50 нафар ўқувчи дарсдан бўш вақтларида тикувчилик сирларини ўрганмоқда.

-Гуруҳимизга асосан мактабларнинг юқори синф ўқувчилари жалб этилган,-деди Асадбек Аҳмадалиев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Улар уч ой мобайнида тикувчилик сирларини мукаммал эгаллайдилар. Курсни ташкил этишдан мақсад, ёшларнинг бўш вақтларини беҳуда ўтказмасликка эришиш, қолаверса, халқ хўжалигига малакали мутахассислар етказиб беришдан иборат.

**«Туркистон-пресс»**

*Жамоа шартномалари қандай бажарилди?*

# ИНСОН БОРКИ, БАХТГА ИНТИЛАДИ

***Ижтимоий ҳимоя масалаларида маслаҳатлашиб иш тутилганда минг битта имконият топиш мумкин. Бу хилдаги ҳамкорлик, ҳамфикрлик жамоа шартномасида ифодаланади. Шунинг учун меҳнатга оид, касаба уюшмалари фаолиятига тааллуқли қонунларга асосланиб, жамоа шартномасида ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлароқ белгилашга, йил давомида уларнинг бажарилишини таъминлашга ҳаракат қиламиз.***

Ҳамма масалаларнинг ҳал этилиши хўжалик иқтисодиётига, молиявий аҳволига боғлиқ, албатта. Бу борада нолимаймиз. Кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажми ортаяпти. Даромад ҳам шунга яраша. Чунки ғалла, картошка, мева-узум етиштириш ва бошқа соҳалардаги шартномавий мажбуриятлар ошириб бажарилди. Бу эса ижтимоий соҳага кўпроқ эътибор қаратишга имкон бермоқда.

Бошқа жойларда ҳам амалга оширилаётган ишлар каби тадбирларимизга тўхталмоқчи эмасман. Буларни бажариш бизнинг меҳнаткашлар олдидаги бурчимиз. Жуда кўп фикрлашувлардан сўнг 2002 йилда хўжалигимизнинг собиқ профилакторийси негизида Амир Темур номли болалар оромгоҳи ташкил этдик. Мазкур ёзги соғломлаштириш маскани 105 ўринга мўлжалланган. Бу ерда тумандаги барча хўжаликлардан болалар ҳордиқ чиқаради. Фақат бизнинг хўжалигимиздан 36 нафар бола дам олдирилди. Улар йўлланмасининг ҳаражатлари жамоа шартномасига мувофиқ хўжалик ҳисобидан қопланди. Ёзги мавсумда оромгоҳга хўжаликдан мева, сабзавот, сут, гўшт етказиб берилди. Муҳими, оромгоҳни ташкил қилиш билан болаларни соғломлаштириш, ижтимоий ҳимоялаш борасида катта ижобий ўзгаришга эришдик.

Меҳнат муҳофазасини кучайтириш мақсадида барча иш жойлари, шунингдек, мавжуд дала шийпонлари тўлиқ таъмирланди. Ярим миллион сўмлик махсус кийим, ҳимоя воситалари харид қилинди. Меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги энг ижобий натижага эришган жамоалар, ходимлар учун махсус мукофот ажратилди.

Меҳнаткашларнинг руҳи тетик, кайфияти яхши бўлишида ижтимоий-маданий, спорт тадбирларининг ҳам аҳамияти катта. Шуни ҳисобга олиб бултур меҳнаткашлар учун кўплаб маданият, спорт тадбирлари, саёҳатлар уюштирилди. Юртимизнинг муқаддас қадамжоларига саёҳатлар зўр таассурот қолдирди. Республикамиздаги санаторийларга олинган йўлланмаларнинг бир қисми қарияларга имтиёзли асосда берилди.

2003 йилда бу борадаги тадбирлар кўлами янада кенгаяди.

**Б.ҲАЙДАРОВ,**
**Тайлоқ туманидаги Р.Саидназаров номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.**

# САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

***Янги, 2003 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан, халқаро ташкилотлардан табриклар келиши давом этмоқда.***

***Украина Президенти Леонид Кучма қуйидаги мазмунда табрик хати йўллаган:***

**«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Янги йил муносабати билан ғоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз!

Кириб келаётган 2003 йил барча мамлакатлар фуқароларининг ҳаётида - Хавфсизлик ва Осойишталик, халқлар ўртасидаги муносабатларда - Тинчлик ва Ҳамжиҳатлик, муҳим сиёсий қарорлар қабул қилишда эса Ақл-заковат ва Адолат йили бўлсин.

Масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, Сизга ва яқинларингизга сиҳат-саломатлик, эзгулик ва бахт тилайман.

Чуқур эҳтиром туйғуси ила,

**Леонид КУЧМА,**
**Украина Президенти»**

Шунингдек, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Касьянов;

НАТО Бош котиби Лорд Жорж Робертсон;

ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура;

Исландия Президенти Олавур Рагнар Гримссон;

Македония Республикаси Президенти Борис Трайковский;

Монголия Президенти Нацагийн Багабанди;

Эрон Ислом Республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Хотамий;

Испания Қироли Хуан Карлос 1 ва Қиролича София;

Дания Қироличаси Маргрете П;

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиуми Раиси Ким Ен Нам;

Шимолий Осетия - Алания Республикаси Президенти Александр Дзасохов ҳам самимий қутловлар йўллаган.



## ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Мирзачўл туманида бугунги кунда 50 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шунинг 3 минг 918 нафари пенсионерлар бўлиб, ҳар ойда ўртача 55 миллион сўм атрофида давлат пенсияси олишади. Бундан ташқари қариялар имтиёзга эгадилар.

Айни пайтда туманда 40 нафар якка-ёлғиз истиқомат қилувчи кексалар бўлиб улар туман ҳокимининг 2001 йилдаги қарори билан 40 та ташкилот, корхона,

*Ижтимоий ҳимоя*

муассаса ва фермерларга бириктириб қўйилган. Ҳар бир ташкилот, корхона раҳбарлари оталиғидаги ёлғиз кексаларнинг ҳол-аҳволидан доимо хабар олиб, уй-рўзғор камчиликларини бартараф этишда кўмаклашмоқда. Ҳар байрамда совға-саломлар инъом этилмоқда.

Уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги «Ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган имтиёзлардан баҳраманд бўлишаётир. 2002 йил мобайнида 12 нафар нафақахўр 1 миллион 217 минг 314 сўмлик 9 хил турдаги меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари билан таъминланди.

Пенсионер ва ногиронлардан 13 нафарига сиҳатгоҳларда дам олиб, даволаниб келишлари учун бепул йўлланмалар берилди. Уларнинг 1 нафарига ногиронлик аравачаси, 4 нафарига тиш протези, 6 нафарига эшитиш мосламаси совға қилинди. 4 нафарининг уйи таъмирланди.

**Б. НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА КРЕДИТ ИТТИФОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Пойтахтдаги «Ravshan» меҳмонхонасида «Кредит иттифоқларида молиявий фанлар» мавзуидаги тренинг-курс бўлиб ўтди. У «Ўзбекистон қишлоқ жойларида омонат ва кредит уюшмаларини синовдан ўтказиш» лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Мазкур лойиҳа Жаҳон кредит уюшмалари кенгаши (WOCCU) томонидан Осиё тараққиёт банки ва АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги (USAID)молиявий кўмагида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилганидан сўнг, ўтган йилнинг май ойида амалга оширила бошланган ушбу лойиҳанинг асосий мақсади мамлакатимизда кредит уюшмаларининг миллий тизимини яратишга техник ёрдам кўрсатишдан иборат.

Лойиҳага киритилган кредит уюшмалари билан бевосита ишлашдан ташқари лойиҳа кредит уюшмалари фаолияти устидан самарали назоратни ўрнатиш ва бошқариш учун меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш масалаларида Ўзбекистон Марказий банки билан яқин ҳамкорликда ишламоқда.

Лойиҳа натижалари бутун республика бўйлаб кредит уюшмаларини ташкил этиш учун асос вазифасини ўтайди. Бу эса тадбиркорлик фаолияти, молиявий бозорнинг янада кенгайиши ва ривожланишига хизмат қилади.

Ўтказилган тренингда Бухоро, Самарқанд, Наманган кредит уюшмалари кенгаши ва ижрочи раҳбарияти аъзолари ҳамда бошқа вилоятлардаги шундай ташкилотлар вакиллари қатнашди. Бугунги кунда лойиҳа доирасида Бухоро, Наманган, Самарқанд вилоятларида кредит уюшмалари ташкил этилган. Улар ҳозирдаёқ кредитлар бериш ва ўз аъзоларидан депозитлар олиш бўйича операцияларни амалга ошира бошлади. Ушбу ташкилотлар аъзоларининг умумий сони 2300 кишидан ортди. Умуман республика бўйича еттита кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

**(ЎзА).**



Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Зилола» маҳалласида «Бек-нон» Ўзбекистон – Австрия қўшма корхонаси иш бошлади. Хозирда корхонада 68 ишчи меҳнат қилмоқда.

Шунингдек, бу ерда бир суткада 10 тоннадан зиёд нон маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотлари узуликсиз суръатда ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи 2 минг 500 нафар аҳолига ўз вақтида етказилиб берилмоқда. Айниқса, бу ерда ишлаб чиқарилаётган «тешик кулча» оширма патир ва шифобахш ҳусусиятга эга бўлган пархезнон маҳсулотлари барчага бирдек манзур бўлмоқда.

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ,**
**(ЎзА) олган суратлар.**



## КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА

Жиззах шаҳридаги «Жиззах иссиқнон» ҳиссадорлик жамиятида бугунги кунда юз нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилади. Ишчиларнинг ойлик маоши ошиб бораётган бу корхонада 2 та «Иссиқ нон» дўкони мавжуд. Улар орқали истеъмолчиларга 8-10 турдаги нон ва нон маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

– Корхонамизда ишчи-хизматчилар учун барча шароитларни яратиб бермоқдамиз, - дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Саид Мансуров. – Янги йилни кўтаринки руҳда кутиб олдик. Байрам кунлари шаҳарликлар дастурхони тўкинлигига корхонамизда ишлаб чиқарилган 3 турдаги булочка, туркманча чурек ҳамда патирлар билан ўз ҳиссамизни қўшдик.

Ҳозирги кунда бир кеча-кундузда ҳиссадорлик жамияти 3 тоннадан зиёд нон ва нон маҳсулоти ишлаб чиқармоқда. Дастгоҳлар эскирган бўлишига қарамай, имкониятларни ишга солган жамоа 2002 йилни яхши якунлади. Шунингдек, иссиқ кунларда морс, квас каби салқин ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу иқтисодиётни янада мустаҳкамлаяпти.

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ХАЙРЛИ ҚАДАМ

*Янги йилнинг жўшқин меҳнат мароми*

2003 йилни кўтаринкилик билан бошлаб юборган вилоятимиз меҳнат жамоалари дастлабки кунданоқ юксак меҳнат унумдорлигига эришишяпти. Буни Бешкентдаги «Қаршиирадиатр» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси мисолида кўриш мумкин.

Мурод Хидиров корхонанинг пешқадам электр пайвандчиларидан ҳисобланади. Бир неча йилдирки, жамоа орасида ўзининг фидокорона меҳнати билан танилган ишчи Янги йилнинг биринчи иш кунини кўтаринкилик билан бошлаб, юқори унумдорликка эришди.

Тракторлар учун совутгич радиатрларини ишлаб чиқариш ва таъмирлашда ўзига хос тажриба тўплаган Мурод Хидиров кўпгина ёшларга мураббийлик ҳам қилаяпти. Меҳрибон уста шогирдларининг ҳатто ўзидан ўзиб, юқори натижаларни қўлга киритаётганидан боши осмонда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз харидорларини топаётгани иш ҳақининг ўз вақтида берилишини таъминлаётир. Бу эса меҳнаткашлар руҳига руҳ қўшмоқда. Мисгар Раҳмат Сувонқулов, токарлик цехи устаси Ислом Музропов ва бошқаларнинг Янги йилнинг дастлабки иш куни режасини анча ошириб бажариши ҳам аслида шу туфайлидир.

– Жамоада 40 нафар ишчи меҳнат қилади, - дейди цех бошлиғи Чоршанбе Сувонов. – Ўтган 2002 йилда 85 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, режани 102 фоизга уддалаган эдик. Янги йилда бу рақам янада ортади, деган умиддамиз.

Дарвоқе, 2003 йилда корхона тўла қувват билан ишлаши учун тўлиқ кафолат бор. Энг муҳими радиатр учун зарур бўлган бутлов қисмлари Россия Федерациясидан келтириб қўйилди. Демак, янги йилдан ишлаб чиқаришда пировард натижаларга эришилади. 130 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Меҳнат унумдорлигини оширишда корхонада ярим автоматлаштирилган йиғув ускуналарининг бенуқсон ишлаётганлиги ҳам қўл келмоқда.

Ишчи Юсуф Раҳимов биринчи иш кунида юқори меҳнат унумдорлигига эришиб, режани 120 фоизга уддалади. Шу куни корхона бўйича жами 450 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Ш.ШАВКАТОВ.**

## ЁҒ ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

Навоий шаҳрида янги ёғ заводи ишга тушди. Корхонани «Контитент-Н» масъулияти чекланган жамият тадбиркорлари фойдаланишга топширди.

- Россия технологияси билан жиҳозланган корхонада кунига 3-4 тоннагача ёғ ишлаб чиқараяпмиз, - дейди жамият раҳбари Акбар Барноев. - Ёғ идишлари етказиб бериш бўйича Россиянинг «Родник» ва «Фармдрайв» фирмалари билан шартнома туздик. Нурота тумани фермер хўжаликлари хом ашё сифатида кунгабоқар, масхар етиштириб беради. Яқинда яна иккита линия ўрнатилгач, кунига 10 тоннагача ёғ ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

## ОЛТИ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА

Зангиота туманида Назарбек тиббиёт касб-ҳунар коллежи иш бошлади. Замонавий ўқув маскани «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси маблағи ҳисобига барпо этилди. Асосий қурилиш-монтаж ишларини Чиноздаги «Қурувчи» масъулияти чекланган жамият ишчилари бажарди.

450 ўқувчига мўлжалланган бинодаги кенг ва ёруғ ўқув ҳамда лаборатория хоналари, кутубхона, мажлислар зали, спорт зали, ошхона замонавий жиҳозланди. Коллежда олти йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

Шундай қилиб, тиббиёт йўналишида фаолият юритаётган олтита касб-ҳунар коллежи вилоятнинг кичик тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имконига эга бўлди.

## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Қоракўл тумани марказига туташ Хўжалар қишлоғида 600 ўқувчига мўлжалланган саноат касб-ҳунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди.

«Бухоровилоятқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасининг 192-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланмаси бунёдкорлари бу ерда 2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

Олти йўналиш бўйича мутахассис тайёрловчи ўқув маскани замонавий техника воситалари билан таъминланди. Кенг ва ёруғ аудиториялар, фан кабинетлари, спорт зали, ошхона, 100 ўринли ётоқхона ва бошқа ёрдамчи бинолар ёшларнинг ўқиши ва касб сирларини ўрганишларига хизмат қилади.

Коллежнинг очилиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов иштирок этди.

## ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

Янгийўл туманидаги Ниёзбош ширкат хўжалиги йил сайин кўркамлашиб бормоқда. Бу ерда, айниқса кейинги йилларда ўнлаб маданий-маиший, савдо шохобчалари, тиббий ва таълим муассасалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Янги йил арафасида хўжалик аҳли учун яна бир қулайлик яратилди.

Ночор аҳволга тушиб қолган поликлиника биноси ўрнида қад ростлаган қишлоқ врачлик пункти салкам 30 минг нафар фуқарога хизмат кўрсата бошлади. Шифо маскани замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

**ЎзА ва «Ишонч» мухбирлари.**

*Бор бўл, оқибат!*

# НОГИРОНЛАРГА ҲОМИЙЛАР МАДАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича туман ижтимоий таъминот бўлимида муайян ишлар қилинмоқда. Соғлиқни сақлаш бўлими, Меҳнат биржаси, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод», «Меҳр-шафқат» жамғармалари, «Қизил ярим ой жамияти» билан шартномалар тузилди. Бундан кўзланган асосий мақсад ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни мунтазам равишда тиббий назоратга олиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, меҳр-мурувват кўрсатишдан иборатдир.

Натижада 4 нафар ёлғиз қарияларнинг уй-жойлари ҳомийлар кўмагида таъмирлаб берилди. «Самарқанд» деҳқон-фермер хўжалигида яшовчи Ўлмас Жўраев, Николай Писаревлар, Ғолиблар қўрғонида истиқомат қилувчи Ғанисора Содиқова ҳамда Қурбон Деҳқоновларнинг ҳар бирининг уйида ўртача 46 минг 250 сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Пенсионер ва ногиронлардан 5 нафарига сиҳатгоҳларда дам олиб, даволаниб келишлари учун йўлланмалар берилди. Бир нафар ногиронга ҳомийлар томонидан бепул йўлланма ажратилди.

17 нафар ёлғиз қария, пенсионер ва ногиронлар коммунал тўловлар бўйича имтиёзга эга бўлдилар. Ана шу мақсадларга ҳомийлар томонидан 202 минг сўм маблағ ажратилди. Туманда нафақа олувчи пенсионер ва ногиронлар 2400 нафарни ташкил этади. Уларга ҳар ойда 35 миллион сўм атрофида нафақа пули тўлаб борилмоқда.

Ижтимоий муҳофазада саховатпеша ҳомийлар ёрдамидан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Туман ҳокимининг қарори билан 33 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар корхона, ташкилот, муассаса, фермер хўжаликларига бириктириб қўйилган. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, «Тошкент» маҳалласи, Усмон Юсупов номли қишлоқ фуқаролар йиғини, Меҳнат биржаси, марказда фаолият кўрсатаётган сартарош усталар, «Эшбой ота» фермер хўжалиги жамоалари кўрсатаётган беминнат ёрдамларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Маҳбуба УСМОНОВА,**
**Арнасой тумани ижтимоий таъминот бўлими шўъба бошлиғи.**





Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман Ички ишлар бўлими ходимлари байрам кунларида аҳоли осойишталигини таъминлаш мақсадида фидойилик билан хизмат қилдилар.

**Суратларда: профилактика инспектори, милиция лейтенанти Абдурашид Тиркашев; милиция лейтенанти Акбар Пўлатов ва катта сержант Хусан Бекиевлар хизмат пайтида.**

**Шоҳруҳ САРИЕВ олган суратлар.**

*Истеъмолчи манфаати муқаддас*

# «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНЛАРИ ОРҚАЛИ

***Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг Қашқадарё вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига «Ишонч» телефонлари орқали мурожаат қилувчилар анча кўпайди.***

Ҳукумат қарори талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоятнинг 14 та тумани ва Қарши шаҳрида конференциялар ўтказилиб, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ташкил топди.

Кейинги ойларда бошқармага 54 та ариза ва шикоятлар келган бўлса, шунинг 41 таси «Ишонч» телефонлари орқали хабар қилинди. Масалан, Қарши шаҳар 7-митти тумани 28-уй 2-хонадонда яшовчи фуқаро Б.Турдиқулов томонидан ўзининг уй телефони бир неча ойдан бери ишламаётганлиги тўғрисида ариза тушган эди. Текшириш ўтказилганда, ҳақиқатан ҳам Қарши телефон тармоғи раҳбарияти томонидан телефон ноқонуний ўчириб қўйилганлиги тасдиқланди. Қарши шаҳри «Пахтазор» митти тумани 45-уйда истиқомат қилувчи Ҳ.Хамдамов, А.Раҳматова, А.Овчинникова, З.Пашшаева, Мусо Жалил 84-уйда яшовчи М.Жамоловаларнинг шикояти асосида Ўзбек-Индонезия қўшма корхонасининг Қарши филиалида текшириш ўтказилди. Унда истеъмолчилар билан тегишли шартномалар тузилмасдан ҳақ олиб келинганлиги, корхонада мижозларнинг аризаларини қайд қилиш дафтари йўқлиги маълум бўлди ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Қарши шаҳар 6-митти туман 1-уй 23-хонадонда яшовчи С.Қиёмова ичимлик суви таъминотида мунтазам узилишлар бўлаётганлиги ҳақида хабар қилди. Натижада «Чўлқувар» уй-жой мулкдорлари ширкатининг фаолияти ўрганилиб, аҳолига сифатли ичимлик суви етказиб бериш тўғри йўлга қўйилмаганлиги аниқланди. Ширкат раҳбарларига нисбатан қатъий чоралар кўрилди.

Китоб туманидан У.Чориев, Ғузордан И.Қудратов 20 турдаги дори-дармонларнинг дорихоналарда мавжуд эмаслиги ҳақида хабар қилса, Яккабоғ туманидан Т.Музаффаров газ тўловлари бўйича белгиланган имтиёзлар, Чироқчи туманидан Ю.Кўчимов телефон хизматлари тарифига риоя қилинмаётганлиги хусусида, Шаҳрисабздан М.Турдиев, Қаршидан С.Қиёмова ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларнинг нархлари ошириб сотилаётганлиги ҳақида мурожаат қилишган. «Шўртан» очиқ ҳиссадорлик жамиятида харидорларга ўсимлик мойини сотишда 20 фоиз ўрнига 32,3 фоизгача устама нарх қўллаш натижасида 31 минг 952 сўм, болалар боғчалари ва оромгоҳларга устама нарх қўйиб сотиш туфайли 71 минг 881 сўм ошиқча ҳақ олинганлиги аниқланди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига қатъий амал қилмаслик «Китобгазтаъминот», «Қаршигазтаъминот», Қарши шаҳридаги «Автотеххизмат-Тексако», «Феруз» корхоналари, Муборак уй-жойлардан фойдаланиш кўп тармоқли очиқ ҳиссадорлик жамиятларида ҳам учраб турибди. Фуқароларга келтирилган зарар тегишли тартибда ундириб олинди.

– Истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, яъни фуқаролар билан товар ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатлари қонун билан тартибга солиб турилиши табиий ҳолдир, - дейди биз билан суҳбатда ҳудудий бошқарма бошлиғи Мустофохон Султонов. – Эндиликда асосий эътибор аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб этиш, фуқароларнинг истеъмол маданиятини оширишга қаратилган.

Шу боис, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш бўйича мониторинглар ўтказилмоқда.

**И.ИСОМИДДИНОВ.**

# МАШАРИП ҚУВОҚОВ



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳаси оғир жудоликка учради. Бешафқат ўлим Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари Хоразм вилояти ва Боғот тумани Кенгашлари депутати, «Боғот» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Машарип Қувоқовни 64 ёшида орамиздан олиб кетди.

Машарип Қувоқов 1938 йили Хоразм вилояти Боғот тумани Бешариқ қишлоғида туғилди. Тошкент Халқ хўжалиги институтини тугатгач, кўп йиллар мобайнида қатор давлат ташкилотлари ва хўжаликларга раҳбарлик қилди. 1991 йилдан умрининг охирига қадар Боғот туманидаги «Боғот» ширкат хўжалигини бошқариб келди.

Машарип Қувоқов ўзининг бутун куч-ғайрати, билими ва бой амалий тажрибасини мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлади. Айниқса, юртимизда пахтачилик, ғаллачилик ва шоликорликни юксалтиришда, бу борадаги назарий билимларни ҳаётга жорий этиш ва амалиёт билан узвий боғлашда унинг хизматлари беқиёсдир. Шу билан бирга, янги-янги боғ-роғлар ва токзорлар барпо этиш, ҳосилдорликни ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича олиб борган кенг кўламли фаолияти, қўлга киритган улкан ютуқлари туфайли Машарип Қувоқовнинг номи бутун мамлакатимизда танилди.

Қишлоқ хўжалик илмининг етук билимдони Машарип Қувоқовнинг бевосита раҳбарлигида кўплаб ёш пахтакор ва шоликорлар деҳқончилик сир-асрорларини пухта ўзлаштирдилар.

У ўзининг камтаринлиги, меҳнатсеварлиги, юртпарварлиги билан халқимизнинг меҳр-муҳаббати ва ҳурмат-эътиборини қозонган олижаноб инсон эди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Машарип Қувоқов 1993 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган, 1997 йилда эса Ватанимизнинг юксак мукофоти - Ўзбекистон Қаҳрамони олий унвони билан тақдирланган эди.

Заҳматкаш деҳқон, моҳир ташкилотчи раҳбар, қишлоқ хўжалиги соҳасининг чинакам фидойиси Машарип Қувоқовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ў.СУЛТОНОВ, И.ЖЎРАБЕКОВ, Т.ХУДАЙБЕРГЕНОВ, Н.ЮСУПОВ, И.БОБОЖОНОВ, Й.ҲОЖИЕВ, Ш.ЮСУПОВ.**

# МАҲАЛЛАНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Меҳр-оқибат, саховат, инсонийлик каби олий фазилатлар, энг аввало, ўзини-ўзи бошқаришнинг шарқона ажойиб кўриниши бўлган маҳаллада шаклланади. Бинобарин, у муҳим тарбия ўчоғи сифатида ғоят қадрлидир.

А.Икромов туманидаги Ғафур Ғулом маҳалласи фаоллари ва 197-мактаб маъмурияти ҳамкорлигида «Оталар, боболар – набиралар нигоҳида» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Обод маҳалла йили муносабати билан ўтказилган тадбирга маҳалла фаоллари кексалар ва нафақадаги ўқитувчилар таклиф этилди. Тадбирни ташкил этишда саховатпеша тадбиркор Асатилла Муҳаммадниёзов ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Кириб келган йилимизнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинишини Қарияларни қадрлаш йилининг узвий давоми сифатида эътироф этиш керак, – дейди маҳалла қўмитаси раиси Ўткир Арслонов. – Чунки маҳаллаларимизнинг обод, фаровон ва осойишта бўлишида кўпни кўрган нуронийларимизнинг ўрни беқиёс.

Тўкин байрам дастурхони атрофига йиғилган иштирокчилар ёшларга ўз ҳаёт тажрибаларини сўзлаб беришди. Ўқувчилар томонидан ижро этилган ажойиб рақслар, куй-қўшиқлар кечага янада жозиба бахш этди. Бир сўз билан айтганда, тадбир йиғилганларда, ёшларда катта таассурот қолдирди.

Кеча сўнггида отахонлар ва кекса ўқитувчиларга совғалар топширилди.

**Маъмура МАҲКАМОВА,**
**Тошкент шаҳридаги 197-мактаб ўқитувчиси.**



Халқимиз дастурхонини тўкин қилиш мақсадида юртимиз бозорларида турли савдо ярмаркалари уюштирилди. Жумладан, «Юнусобод универсал бозори» очиқ акционерлик жамияти томонидан аҳолига арзон нархларда ноз-неъматлар савдоси ташкил этилди. Айниқса, болажонларга ўйинчоқлар ва байрам совғалари ярмаркаси манзур бўлди. Бундай қулайликдан барча бирдек мамнун.

**Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар.**




# ДАМ ОЛИШНИ БИЛАМИЗМИ?

Неъматжон ака Умаров бутун умрини ўқитувчиликка бахшида этган заҳматкаш инсон. Шу боис уни Бувайдада жуда ҳурмат қилишади. Туман миқёсидаги тадбирларга биринчилардан бўлиб таклиф қилишади. Неъматжон ака яқинда ана шундай тадбирлардан бирида иштирок этди. Халқ таълими бўлими тармоқ касаба уюшма туман қўмитаси билан ҳамкорликда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ташкил этилган фахрийлар билан учрашув жуда файзли ўтди. Умрининг энг гуллаган чоғларини ёшларга билим беришга бағишлаган фахрий ўқитувчиларга иззат-икром кўрсатилди. Жумладан, Неъматжон акага «Чимён» сиҳатгоҳига бепул йўлланма берилди.

— Ўтган йил мобайнида туман халқ таълими билан ҳамкорликда бир қанча ишларни амалга оширдик, – дейди тармоқ касаба уюшма туман қўмитаси раиси Нўъмонжон Камолов. – Мисол учун 24-мактабнинг собиқ ўқитувчиси, айни кунда қарилик нафақасида бўлган Раънохон опа Шерматованинг кўзини жарроҳлик йўли билан даволатиш учун туман ва вилоят қўмиталари томонидан моддий ёрдам берилди. Қўмитанинг собиқ ходими Обидхўжа Тўқсоновга дори-дармон сотиб олиш учун маблағ ажратилди. Турли байрамларда фахрийларимизга, ёлғиз яшовчи, бемор ва боқувчисини йўқотганларга ҳам кўмаклашдик. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан 6 нафар уруш қатнашчиларига совғалар тарқатилди. Вилоят қўмитасининг ташаббуси билан 8 нафар фахрийларимиз мамлакатимизнинг турли сиҳатгоҳларида бепул дам олдилар.

Фан ва таълим соҳасида ижобий натижаларни қўлга киритаётган ходимларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш диққат-эътиборимизда турибди. 4 минг 700 нафар ходим пул мукофотига сазовор бўлди. Педагог ходимларга берилган имтиёзларни татбиқ қилиш учун тегишли корхоналарга маблағлар ўз вақтида ўтказиб берилмоқда. Шунингдек, жамоа шартномасида кўрсатилган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига 32 миллион 135 минг сўм, соғлиқни сақлаш ва ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш учун 750 минг сўм маблағ ажратилди.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида мактаб, мактабгача таълим ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ўқув моддий базасини ривожлантириш борасида ҳам бир мунча ишлар қилинди. Мисол учун, чакка ўтаётган таълим муассасаларининг томларини таъмирлаш учун 3218 дона шифер, дераза ромлари учун 1 миллион 855 минг сўмлик ойна, жорий таъмирлаш учун 10 тонна оҳак, 300 килограмм бўёқ маҳсулотлари етказиб берилди. Туман марказида фаолият юритаётган 1-ўрта мактабни таъмирлаш ишларига 280 минг сўм ажратилди. Футбол мактабининг иссиқлик тармоғини таъмирлаш учун 275 минг сўмлик металл қувурлари олинди.

Вилоятимиз ва мамлакатимиз сиҳатгоҳларида 32 нафар ходим ўз саломатлигини тиклади. Бу мақсадларга ижтимоий суғурта маблағларидан 1 миллион 715 минг сўм сарфланди.

*Сарҳисоб*

Касаба уюшмалари туман қўмитаси халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда тармоқ ходимларининг кўнгилли маданий дам олишини ташкил этиш мақсадида спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар ўтказишга алоҳида эътибор бермоқда. Ўтган йилнинг март ойида таълим ходимлари ўртасида спортнинг волейбол, енгил атлетика ва оилавий эстафета турлари бўйича анъанавий спорт мусобақаси ўтказилди. Уни ташкил этиш ва ғолибларни рағбатлантириш, қатнашчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун касаба уюшма туман қўмитаси 423 минг сўм маблағ ажратди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўз атрофига 6 минг нафар ходимни бирлаштирган фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси Бувайда туман қўмитаси халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда жамоа шартномасида кўрсатилган талабларни изчил бажарилишига эришмоқда.

**М. СОБИТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ТАДБИРКОР

## спорт залини тиклашга 5 миллион сўм ажратди

***Саховатли одамлар ҳақида гап кетганда Наманган туманидаги Ровустон қишлоқ аҳли биринчи галда Олимжон Ҳожиев номини тилга олишади. Шу ерда ўсиб улғайган Олимжон 34-мактабнинг спорт зали ёнғиндан яроқсиз бўлиб қолганида ҳаммадан олдин ёрдамга келди. Бўйи 20, эни 10 метр бўлган зални ўз маблағи ва кучи билан бошдан-оёқ таъмирдан чиқариб, спорт мухлисларига совға қилди.***

*Саховат*

Мактаб директори Насиба Усмонованинг айтишича, тадбиркор Олимжон Ҳожиев мазкур спорт залини қайта тиклаш учун 5 миллион сўм сарфлади. Бундан ташқари мактабни ҳар йили етарли миқдорда бўёқ билан таъминлар экан. Бу йил ҳам худди шундай бўлди.

Хўш, тадбиркор ўзидан орттириб шунча пулни қаёқдан оляпти?

- Мустақилликдан, - деди қувониб "Саховат" фирмасининг бошлиғи О. Ҳожиев, - мен илгари оддий ҳуқуқшунос эдим. Мамлакатимиз мустақил бўлганидан кейин тадбиркорларга кенг йўл очилди. Мен қурилишда ишлатиладиган бўёқ тайёрлашни йўлга қўйдим. Ўн бир йил илгари икки укамни ёнимга олиб иш бошладим. Вақт ўтиши билан дорихона, озиқ-овқат дўкони, иккита ёнилғи қуйиш шохобчаси очдик. Натижада 30 кишини иш билан таъминладик. Келгусида аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи кичик автожамланма ташкил этмоқчимиз.

Қимирлаган қир ошади, деганларидек "Саховат" фирмаси кундан-кунга ўсмоқда. У ташкил топган дастлабки йили 10 тонна бўёқ ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йили бу рақам 60 тоннага етди. Маҳсулот тури олтитага кўпайди.

Мазкур фирма маҳсулоти сифатига юксак баҳо бериб, республикамизнинг ҳамма томонларидан харидорлар келишмоқда. Яқинда мойли бўёқларнинг мустаҳкамлиги ва жозибадорлигини ошириш учун унга лак қўшиб тайёрлаш йўлга қўйилди.

**"Туркистон-пресс"**

*Катта арча атрофида*

# БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

Янги йил қалбларга бир олам қувонч бўлиб кирди. У, агар таъбир жоиз бўлса, кишиларимиз хотирасида меҳр-оқибат, садоқат ва мурувват рамзи сифатида қоладиган бўлди. Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Эсонбой Ражабовнинг таъкидлашича, янги йил арафасида кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотган ҳамда муҳтож оилаларга қарийб 1 миллион 500 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Қарши шаҳри ва туманларда истиқомат қилаётган маҳаллаларнинг муҳтож оила фарзандларига янги йил совғаси улашилди.



Қизил ярим ой жамияти вилоят бўлими, Шаҳрисабз болалар сил касаллиги интернати, Чироқчидаги ақлан заиф болалар муассасаси, Қарши кўзи ожиз болалар интернати, Шаҳрисабз ногирон аёллар уйи, вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси ходимлари фарзандлари ҳамда вилоят ногиронлар жамиятига кўрсатилган меҳр-оқибат ўксик қалблар дардига малҳам бўлди.

Вилоят Кенгашининг муҳташам саройида ўтказилган байрам базмида эса касаба уюшма вакилларининг жажжи фарзандлари, невара ва чеваралари арча атрофида шўх ва шодон ўйин-кулги қилдилар. Театр студияси санъаткорлари ўз концерт дастурларини намойиш қилганларида болажонлар қалби янада қувончга тўлди. Қорбобо эса жажжиларга совға улашди.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЁЛҚИНГА АЙЛАНГАН «ТОНГ НУРИ»

Мамлакатимиз маданияти ва санъати ривожида Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусиқа театрининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бундан етмиш беш йил муқаддам «Тонг нури» номи билан фаолият кўрсата бошлаган ижодий труппа ўтган йиллар давомида катта санъат даргоҳига айланди.

Ижодий жамоа шу йиллар мобайнида мамлакатимиз драматурглари қаламига мансуб 400 дан ортиқ турли жанрлардаги спектаклларни саҳнага олиб чиқди. Драма ва комедиялар, томошабоп дастурлар санъат мухлислари қалбини забт этди. Театр саҳнасида жаҳон классиклари яратган нодир асарлар ҳам муваффақият қозонди. Томошабин опера ва балет жанридаги санъат дурдоналаридан баҳраманд бўлди.

Нукус шаҳрининг 70 йиллиги муносабати билан янгидан таъмирланган театр биносида жамоанинг етмиш беш йиллик тўйига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик вакиллари, санъат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар иштирок этди. Қизғин қутловлар сўнгида санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам дастури намойиш этилди.

**(ЎзА).**

*Касаба уюшма спорти*

***Ҳар гал навбатдаги довон ошиб ўтилганда ортга боқиб, мулоҳаза юритиш инсонга хос одат. Хўш, якун топган 2002 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидаги спорт мактаблари, клуб ҳамда тўгаракларда қандай натижаларга эришилди? Оммавийликни ошириш, хусусан, меҳнаткашларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли даражада имкониятлар яратилдими? Қолаверса, касаба уюшма вакилларининг жаҳон спорт майдонларидаги қатнашуви қониқарли бўлдими?***

# ҚАДДИМИЗНИ ҒОЗ ТУТИБ

– Жамиятимиз қошида 5497 жисмоний тарбия ва спорт клуби, 110 дан ортиқ спорт-соғломлаштириш гуруҳ ва секциялари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили спорт клублари, гуруҳ ва секциялари аъзолари сонини оширишга эришилди, — дейди жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси ўринбосари Баҳодир Тожиев. – Мавжуд 120 дан ортиқ БЎСМ, 5 та республика миқёсидаги спорт мактабларида бўлажак спортчилар учун лозим бўладиган барча шароитлар яратиб берилган. Бугунги кунда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларнинг 90 фоизи ана шу мактаблардан етишиб чиққан спортчилар эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Дарҳақиқат, касаба уюшма спортчилари катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Масалан, ўтган йил мобайнида 14 нафар халқаро тоифадаги ва 119 нафар спорт устаси, 732 нафар усталикка номзод, 39 минг оммавий ва 1767 нафар биринчи тоифали спортчилар тайёрланди. Давлат жисмоний тарбия ва спорт ҳамда Миллий Олимпия қўмиталари билан ҳамкорликда спортчиларнинг халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш йўлида самарали изланишлар олиб борилмоқда. Вилоятлардаги ёшлар орасидан ҳам профессионал спортчилар етиштириб чиқариш мақсадида жамият қошидаги Республика спорт мактабларининг филиаллари очилмоқда. Термиз шаҳрида иш бошлаган от спорти мактаби бунга яққол мисол бўла олади. Ҳар бир вилоятда ана шундай мактабларни очиш жамиятнинг 2003 йилгача тузилган дастурларидан ўрин олган.

Сўнгги йилларда жамиятнинг қишлоқ аҳолиси ўртасида олиб бораётган ишлар кўлами анча кенгайди. Қишлоқ жойларида 4344 та спорт клуби, 79 та тўгарак мавжуд бўлиб, уларда 1700 нафар мураббий ва йўриқчилар штат асосида фаолият олиб бормоқда. Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро ва Жиззах вилоятларида амалга оширилаётган ишлар айниқса, таҳсинга лойиқдир. Масалан, Сурхондарё вилоятида замонавий сузиш бассейни ишга туширилган бўлса, Самарқандда қурилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Муҳими, ҳар бир вилоятда ана шундай бассейн қуриш жамият режасига киритилган.

Касаба уюшма спортчиларининг жаҳон майдонларидаги иштироки ҳам мақтаса арзигулик. Ўтган йилги Осиё ўйинларида 9 та олтин, яна шунча кумуш ва 13 та бронза медаллари қўлга киритилди. Бу касаба уюшма спортининг 2002 йилдаги энг катта ютуғи бўлди. Спортнинг алоҳида турлари бўйича ўтказилган турнирлар ва чемпионатларда ҳам касаба уюшма спортчилари муваффақиятли иштирок этишмоқда. Мисол учун Ҳиндистонда якунланган ўзбек кураши бўйича қитъа чемпионати баҳсларида жамият аъзоси Тўрабек Ўтаев барча рақибларини мағлубиятга учратди. Спортчиларимиз орзиқиб кутилаётган Афина Олимпиадасида ҳам муваффақиятли иштирок этиш учун ҳозирдан тайёргарликни бошлаб юборганлар.

Дарвоқе, бугун жамият олдида ғоят улкан вазифалар турибди. Хусусан, «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарори жамият зиммасига катта масъулият юклади. Айни пайтда жойларда ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар авжида.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ифтихор*

# ВАТАН ИШҚИ

***Она диёримизнинг сўлим гўшалари, шаҳар ва қишлоқлари кўрку жамолини, кенг далалар бағрида кунни тунга улаб меҳнат қилаётган бободеҳқонларимиз сиймоларини мўйқалам орқали акс эттириш ижодкор учун катта шарафдир.***

Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернат ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Нигора Мирсолиҳова чизган манзара асарларида юртимиз боғлари, кенг далалар, шунингдек, «оқ олтин» пайкаллари оралаб бораётган пахтакорларимиз ажиб ранглар уйғунлигида ўз ифодасини топган.

– Ўзим яратаётган рангтасвир асарлар кимлар томонидандир қадрини топиб, кишилар унга ички бир ҳиссиёт билан термулиб турганини кўрганимда янада илҳомланиб, янги-янги мавзулар миямда чарх уради, - дейди ёш мусаввир.

Дарвоқе, Н.Мирсолиҳованинг «Зебунисо» номли портрети инсон характерининг руҳий кайфияти, ички кечинмаларини зўр маҳорат билан акс эттирилгани боис 1999 йилда «Шанкар-99» Халқаро болалар санъати кўргазмасида кумуш медалга лойиқ кўрилди. Шу йили республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси томонидан ўтказилган «Ватан истеъдодлар бешиги» деб номланган кўрик-танловда унинг «Имом ал Бухорий» асари томошабинларда зўр қизиқиш уйғотиб, II даражали диплом билан тақдирланди. Зеро, ёш иқтидор эгаси инсон руҳиятини чуқур ҳис этиб, уни рангларда акс эттириш сирларини пухта эгаллаш учун тинимсиз изланмоқда.

Н.Мирсолиҳова сингари истеъдод эгалари яна кўплаб топилади. Шундайлардан бири эндигина 15 ёшни қаршилаётган лицей-интернат ўқувчиси Фазлиддин Икромовдир. У ҳам тасвирий санъатни жон-дилидан яхши кўради. Ўз устида тинмай ишлайди. 1998 йилда лицейда ўтказилган «Ассалом, Наврўз!» танловида «Мамлакатимизда сумалак» расми билан қатнашиб, иккинчи ўринга сазовор бўлгач эса, 2000 йили Чехияда бўлиб ўтган «Лидице 2000» Халқаро болалар кўрик-танловида «Икки кал ҳақида эртак» асари учун олтин медални қўлга киритди.

Айни кунларда Фазлиддин устози Н.Осиповадан кулолчилик сирларини ҳам ўрганмоқда.

**Роза САЙДАҲМЕДОВА.**

*Билиб қўйган яхши*

# ЎЗБЕК ҚЎЙИ ДОВРУҒИ

Ёзма манбаларнинг хабар беришича, 12 та ҳайвон номлари билан аталган 12 йиллик даврий мучал йил ҳисоби эрамиздан аввалги 250-130 йилларда ҳукмронлик қилган Грек-Бактрия қулдорлик давлати қўл остида яшаган Марказий осиёлик кўчманчи – чорвачи халқлар тарафидан яратилган. Бу йил ҳисоби айрим ҳайвонларни «хосиятли», «муқаддас» деб санаб, уларга эътиқод қилиш натижасида келиб чиққан.

Мучал йил ҳисобида қўй йили ҳам алоҳида ўрин тутади. Зеро, 2003 йилимиз қўй йили саналади. Қўй йили кирса, йилнинг бошида яхшилик, ободончилик, серобчилик бўлади, дейди донолар. Қўй ёғи, қўй гўштининг мазасини, ундан тайёрланган таомнинг лаззатини ким билмайди, дейсиз.

Ота-боболар қорамол, йилқи боқиш билан бирга қўйларни кўпайтиришга ҳам катта аҳамият беришган. Хусусан, яхши гўшт-ёғ қиладиган думбали қўйлар Марказий Осиёда қадимдан боқиб келинади. Бу хил қўйлар аслида Мўғулистондан чиққан бўлиб, кейин Марказий Осиёга тарқаган. Бу ердаги яйловлар, иқлим ва бошқа табиий шароит хориждан келган жониворларга жуда мос келган.

Хисори ва қалмоқ зот қўйлар алоҳида ажралиб туради. Биринчиси гўштдор бўлади, иккинчиси совуқроқ иқлим шароитида боқилса, кўп жун беради.

Ўзбекистон тоғ ва тоғ этаги ҳудудларининг, хусусан, Тошкент вилоятининг табиий шароити ҳам гўшт, ҳам жун берадиган қўй зотлари боқиш учун жуда қулайдир. Бу нарса олимларимиз олдига янги қўй зотлари етиштириш вазифасини қўймоқда. Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институти ходимлари изланишлари натижаси ўлароқ яратилган ўзбек қўйига «оҳангарон қўйи» номи берилди.

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Иқтидорли ёшларга таълим-тарбия бериш, уларга ғамхўрлик қилиш таълим тизимининг асосий мезонини ташкил этади. Бугунги кунда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар айнан шу масалага йўналтирилгани ҳам бежиз эмас. Ёшларга бошланғич ва ўрта таълимни пухта бериш борасида мамлакатимизда кўплаб иқтидорли болалар лицей-интернатларнинг фаолият юритаётгани яхши самара бермоқда. 1992 йилда ташкил этилган Бахмал туманидаги 4-иқтидорли болалар лицей-интернати ҳам ана шундай даргоҳлардан биридир.

Бу ерда асосан аниқ фанлар чуқур ўргатилади. Айни дамда мазкур ўқув даргоҳида 200 нафар ўқувчи 24 нафар ўқитувчидан турли фанлар бўйича сабоқ олмоқда.

- Биз қабул қилиш жараёнида болаларнинг қайси фанга кўпроқ қизиқишига, лаёқатига алоҳида эътибор берамиз, - дейди лицей-интернат директори Қурбон Ҳайдаров. - Меҳнатларимиз зое кетмаётгани бизга куч-ғайрат бермоқда. Чунки бу ерда таълим олган болаларнинг 90-95 фоизи республикамиз олий ўқув юртларига ҳеч қийналмасдан ўқишга кирмоқда.





**Суратларда: 1. Бахмал туманидаги 4-иқтидорли болалар лицей-интернати директори, тажрибали ўқитувчи Қурбон Ҳайдаров.2. математика фани ўқитувчиси Нодира Имомова(чапдан бешинчи) ўқувчилар даврасида.**

**Илҳом ТЎРАЕВ,**
**(ЎзА) олган суратлар.**

## КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ

Ўтган йил Тошкент педиатрия тиббиёт институти учун ҳам қувончли воқеаларга бой бўлди. Олий ўқув юрти ўзининг 30 йиллик юбилейини нишонлади.

Йил давомида қатор янги ўқув курслари очилди. Ахборот технологиялари асосида компьютер саводхонлигини ошириш тадбирлари кўрилди.

Институт профессор-ўқитувчилари республика соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини доирасида ҳам талай ибратли ишларга қўл урдилар. Бу борадаги изланишлар касалхоналарнинг қабул фаолияти ҳамда умум саломатлик бўлимлари учун малакали мутахассислар тайёрлашни сифат жиҳатдан янада яхшилаш имконини бермоқда.

Намунавий ўқув дастурларининг яратилиши ҳам ўқув жараёнига ижобий таъсирини кўрсатди. Бой маънавий ва маърифий анъаналарга асосланиб йўлга қўйилган ўқув машғулотлари ва махсус курслар иши янада жонланди. Бу эса талабаларга «Математика ва табиий фанлар», «Умум касбий фанлар билан танишув» курслари бўйича янада пухта билим ва амалий кўникмалар беришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**А.АЛИЕВ.**

*Овчи ҳикояси*

***– Жўри тирик жонзотга тегмайди, аммо одамдан кўркмайди, — деб қолди бир гал «айиқ қуш» ҳақида гап борганда Афлотун қишлоғилик ҳаваскор овчи Асилбек. — Яқинига бориб тош отиб кўринг, жон жойига тегмаса пинагини бузмайди.***

***– Овлоқроқ жойда ёш бола кўринса олиб қочади, дейишади-ю! — Даврадагилардан кимдир эътироз билдиргандай бўлди.***

# ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

– Бекорчи гап! - Асилбек жаҳли чиққандай тескари ўгирилди. — Суяксиз тилга эрк бермаслик, қушлар тўғрисида ҳам билиб-билмай сўзламаслик керак.

Даврага сукунат чўкди. Жимликни тағин Асилбекнинг ўзи бузди.

– Сўзимнинг исботи учун сизларга «айиқ қуш» билан боғлиқ битта афсонани айтиб берaман? Балки эшитгандирсиз! – Асилбек айтмоқчи бўлганларини фикр ойнасидан ўтказаётгандек манглайини тириштирди. Сўнг ажриқ узра узала тушди:

– Жўри қуш билан бургут тоғнинг энг чўққисида учрашиб қолишибди. Тоқатларини синамоқчидек бир-бировларига узоқ тикилибдилар.

– Мен зўрман, деб юрсам, мендан ҳам ҳайбатли қуш бор экан-да. Лекин гавдангга ишонма, патларингни шамолда тўзғитиб учирамаг, — дебди ниҳоят паррандалар шоҳи оғиз очиб.

– Мени бежизга «айиқ қуш» дейишмаган, — дея жавоб қайтарибди чўққи қоясида мағрур қад кериб турган бургутга жўри. – Демак, айиқ ўрмон ҳокими саналса, мен тоғ-тошлар султониман. Ўз қўл остимдагилар билан пачакилашиб ўтирмайман. Ўйлайманки, сен билан ҳам жангда ютқазмайман.

Бургут анча вақтгача жойида тош қотибди. Ҳар иккиси жангда енгилмаслигига ишонч ҳосил қилибди.

– Ундай бўлса, битта шарт қўйсак, - инсофга келибди бургут. – Ким узоққа, баландга ва тез учишда ғолиб чиқса, курашда ютган ҳисоблансин.

Таклиф жўри қушга ҳам маъкул келибди. Баҳслашув якунланибди. Қарангки, ҳеч бирига бахт кулиб боқмабди. Иккиси ҳам бир-биридан қолишмабди. Охири, иккалови дўст тутинибди.

– Сен чиндан ҳам паҳлавон қушсан, савлатингдан ваҳший ҳайвонлар ҳам сесканишади, — дебди бургут янги дўстига узун қанотларини силкитиб. — Лекин ҳайронман, нега нуқул ўлимтик ейсан?

– Менга қийин, - жўри хўрсиниб ерга боқибди. — Кўринишим азамат бўлгани билан тирноқларим йўқ. Яхшики, табиат кўрк ато этган, бўлмаса, аллақачон бошқа жонзотларга ем бўлиб кетардим.

– Ўксима, энди дўстмиз, — тасалли берибди бургут. – Мен сенга ёрдам бераман. Бундан кейин овга доимо бирга чиқамиз. Каттароқ ҳайвонга дуч келсак, сен қанотларинг билан уриб йиқитасан, мен эса темир тирноқларим билан юмдалайман. Гўштини биргаликда баҳам кўрамиз. Сен ҳам дунёга келиб янгироқ таом егин, ахир!

Иккиси осмону фалакка кўтарилишибди. Бургут олисларни, ҳайвонлар сувлайдиган кўл қирғоқларини, қуёнлар ўтлашга чиқадиган водийларни, жўри қуш эса тоғ ўнгурлари, дара қирғоқларини кўзлабди.

– Бунча тимирскиланасан, — дебди ниҳоят тоқати-тоқ бўлган бургут. – Олдинга қара. Қон оқиб турган, тафти чиқмаган гўштни ўйла!

Бургут бир маҳал қарасаки, шериги йўқ. Ортига қайтибди. Эҳтимол, толиқиб қўнгандир, қаердадир нафас ростлаётгандир. Шу палла қорамтир ўнгур ичида ерга энгашган жўрини кўрибди. Қарасаки, сирғалиб йиқилган эшак жасади устида пойи-патак бўлаётган эмиш.

– Афсус, дўст танлашда адашибман, - бош чайқабди бургут. — Ўрганган кўнгилни тузатиб бўлмас экан-да...

**О.ЖУМАНАЗАРОВ.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт Жамиятининг Марказий Бошқаруви Сирдарё вилояти спорт жамиятининг котибият раҳбари Абдувоҳид Турдиевга волидаи муҳтарамаси **ЛУТФИХОН ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.